Маданият — бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир!

МАДАНИЯТ

МГ Маданият газетаси

№20 (102) 25.06.2020 йил

Табрик!

27 июнь – матбаа ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Ҳурматли журналистлар, ОАВ ходимлари ва матбуотимиз фахрийлари!

Барчангизни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги номидан 27 июнь – матбаа ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни, яъни шарафли касб байрамингиз билан чин қалбимдан табриклайман!

Тарихнинг ўзи тўртинчи ҳокимият мақомини бериб қўйган ОАВ ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётимизнинг нафақат кечаги ва бугунги куни, балки эртасининг ҳам ажралмас қисмидир. Айнан шу касб эгаларининг машаққатли меҳнати туфайли бутун дунёда кечаётган ҳодисалардан вақтида хабар топамиз, ёритилган мавзулардан, қилинган танқидлардан тегишлича хулоса чиқарамиз, вазиятдан келиб чиқиб чора кўрамиз. Том маънода улар бизга ўз аксимизни кўрсатувчи кўзгу, очилмаган ва эшитмаётган қалблар учун кўз ва қулоқлардир.

Журналистика – ўта муҳим ва қизиқарли, шу билан бирга, жуда қийин ҳамда хатарли, яна чуқур билим, ўзига хос иқтидор ва заковат талаб этувчи касбдир. Улар ҳукумат ва халқ ўртасидаги холис кўприк, десак муболаға бўлмайди.

ОАВ вакиллари, яъни журналистлар эфирга кетадиган ёки газета саҳифаларида чоп этиладиган ҳар бир сўз масъулиятини ўз зиммасига олишади. Ахир, кучли сўз бутун бошли оломонни, давлатларни бирлаштириши ёки аксинча йўқ қилиши мумкин. Шу сабабли журналист қаламининг ўткирлиги, мавзуга объектив ёндашув, уни ёритишда Ватанга бўлган самимий муҳаббат, ҳаётимизни янада яхшилаш истакларининг намоён этилиши жуда муҳимдир.

Маданият вазирлиги халқ ва юрт манфаати йўлида сиздек шарафли касб эгалари олиб бораётган ишларни юқори баҳолайди. Ишонамизки, ватанимиз ва аҳолимиз ҳаёти фаровонлиги йўлида бизнинг ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам бардавом бўлади.

Яна бир бор барчангизга саломатлик, муваффақият, илҳом ва ижодий парвозлар тилайман!

Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазири
Озодбек НАЗАРБЕКОВ

Ушбу сонда

Ифлос ҳаво – умр заволи
2-саҳифада

Йўловчи маданияти.
Сиз ҳам амал қиляпсизми?
4-саҳифада

“Маданият ривожланмаса, жамият ривожланмайди...”

5-саҳифада

Ниқоб соғлик ҳимоясими ёки солиқ?!

7-саҳифада

Огоҳлик – давр талаби

“Халқим, сизларни деб хавотирдаман!...”

Юртбошимизнинг кўнглидан ўтган ушбу сатрлардан ҳар қандай дил ларзага келиши, беихтиёр қароқлардан ёш қуйилиши аниқ.

Унда фарзанди соғлигидан безовта ота, дилпора онанинг адоқсиз меҳри, ҳар бир сўзга жо бўлган қайноқ қалб тафти, самимий изҳору иқрорнинг ҳаётбахш, умидбахш нафасини ҳис этасиз:

“Кўзинг юмган билан келмаскан уйқу,
Масъулият экан энг кучли туйғу,
Кўпайиб кетмасин бу ёвуз оғу,
Халқим, сизларни деб хавотирдаман!”

Юртбошимизнинг ўз халқи учун жонини ҳам беришга тайёрлиги, айниқса, ёши улуғ бобою момолар соғлигидан хавотирдалиги, бу офатдан соғ-омон олиб чиқиши учун уйда қолишимизни илтижо қилиб сўрашларига бефарқ қараб туриш мумкинми, ахир?! Лекин шундайларнинг учраётгани ниҳоятда ачинарли. Тўғри, орзу-ҳавасли, ишқли-дардли халқимиз бор, шунинг учун ҳам нечоғлик мураккаб шароит бўлмасин, қатор имкониятлар яратиляпти, тўйлар қилишга рухсат этиляпти. Биздан эса меъёрни унутмаслик, карантин қоидаларига амал қилиш сўраляпти, холос, зарур ҳоллардагина талаб қилиняпти. Аммо орамизда бу каби тартиб-қоидаларга беписандлик билан қараётганлар ҳам борки, улар туфайли кронавирус деган балодан қутулиш мушкул кечяпти. Хабарингиз бор, сўнгги кунларда мамлакатимизнинг қатор ҳудудларида бу дард камайиш ўрнига кўпайиб боряпти. Ижтимоий тармоқлардаги хабарлардан ваҳимага тушасан: 20 июнь куни республикамизда унга чалинганлар 6 минг 153 нафарга етди, деб ташвишландик. Мана кейинги кунларда эса туғилган кун, тўйлар сабаб яна кўпчилик ҳаётига чанг сола бошлади. Сурхондарёдаги тўйда 250 киши карантинга олинганини қандай изоҳлаш мумкин? Ахир 30 кишилик тўйга рухсат берилмаганмиди?! Ваҳоланки, шу озчилик орасида ҳам касаллик тез тарқалмоқда. Юнусобод туманида ўтказилган туғилган кунда 13, кетма-кет бўлиб ўтган иккита тўйда эса келин билан бирга яна 12 нафар маросим қатнашчиси ушбу даҳшатли касалликни юқтириб олганлари, юзлаб тўй қатнашчилари карантинга олингани-чи?! Аслида бу кўринмас ёвдан ўзни ҳимоя қилиш учун масофа сақлаш, тиббий ниқоб, зарарсизлантирувчи воситалар, энг оддийси, совундан кун давомида эринмай фойдаланиш қийин эмас. Муҳими, эътиборли, доимо ҳушёр турмоғимиз зарурлигини унутмаслик! Ахир бундай кўникмалар бизга бегона эмас. Озодаликни аслида кўплар биздан ўрганганлари ҳам яхши маълум-ку!

Давоми 2-саҳифада

Донолар сўзлайди...

! Сабр қилинглар, чунки сабр этиш иймондандир. Худди бош жасадда бўлганидек, сабр ҳам иймонда бўлади.
Али ибн Абу Толиб

Дунёдаги энг сергап одамлар бекорчилардир.
Павленко

Илм шундай нарсаки, унга ўзингни бутунлай топширмагунингча ҳеч нарса бермайди!
Абу Юсуф

Имтиёз

Кўзи ожизлар бепул ўқитилади

Аввалги тартибга кўра, болалар мусиқа ва санъат мактабида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан 25 фоизигача бўлган кўрсаткичда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бепул ўқиши мумкин эди.

Эндиликда қарорларга ўзгартириш киритилиб, ногирон болалар, жумладан, кўзи ожизлар ҳам болалар мусиқа ва санъат мактабларида бепул таҳсил олиши кўзда тутилган.

Жорий йилда республика бўйлаб болалар мусиқа ва санъат мактабларида 355 нафар ногирон ўқувчилар таҳсил олишди, шундан 320 нафари кўзи ожиз болалар ҳисобланади.

2020/2021 ўқув йилларида болалар мусиқа ва санъат мактабларига ногиронлиги бор 650 нафаргача ўқувчини қамраб олиш режалаштирилган.

Маданият вазирлиги Ахборот хизмати

Долзарб мавзу

Ифлос ҳаво — умр заволи

Пандемия сабаб дунё бўйича атмосферанинг ифлосланиши сезилари даражада пасайди. Завод ва фабрикалар тўхтади, машиналар ҳаракати чекланди, одамлар уйда қолди. Аммо кун келиб вирус чекинади. Одатий ҳаёт тарзига ўтилади ва ҳақиқий муаммо ўшанда бошланади. "Глобал карантин" даврида синган иқтисодиёт қайта тикланишни талаб қилади. Асосий эътибор ишлаб чиқаришга қаратилади. Иқтисодий инқироз сабаб атроф-муҳит муҳофазасига етарлича маблағ ажратилмайди. Ҳавонинг ифлосланиши ҳозиргиданда ортиб кетади. Хўш, бу шунчалик қўрқинчлими?

Дунё бўйича 15 ёшгача бўлган 1,8 миллиард боланинг қарийб 93 фоизи ифлосланган ҳаводан нафас олмоқда. Ифлос ҳаводан касалланган болаларнинг ҳар ўндан бири ҳаётдан кўз юммоқда.

Ифлосланган ҳаво неврологик касалликлар, хотира сусайиши, астма ва болалик саратони каби дардларнинг авж олишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, ўсмирлардаги сурункали юрак-қон томир хасталикларига ҳам тоза ҳавонинг етишмаслиги айбдор. Биргина 2016 йил ўткир нафас йўллари инфекциясидан 600 минг бола ҳаётдан бевақт кўз юмди. ЖССТ Онкологик касалликларни ўрганиш Халқаро агентлиги тақдим этган ҳисоботда ҳавонинг ифлосланиши саратон касаллигининг асосий сабабчиси экани айтилади.

Биз яшаб турган курраи замин боқий эмас. Аллоҳ яратган ҳар бир немат бир кун поёнига етади. Ундан оқилона фойдаланиш эса ўзимизга боғлиқ. Тирик жон борки, унинг яшаб кетиши сув ва ҳавога ипсиз боғланган. Шу икки неъмат ҳаёт занжирини айлантиради. Аммо инсонларнинг ҳаддан зиёд эҳтиёжлари ушбу мувозанатни бузиши мумкин. Келинг, рақамларга эътибор берайлик.

Сайёрамизда ҳар йили вафот этадиган беш ярим миллион инсон ўлимига ҳавонинг ифлосланиши сабабчи. 2050 йилга бориб бу рақам олти миллион кишидан ортиши, афсуски, ҳақиқат. Иқтисодий ривожланган, бироқ аҳолиси жуда зич жойлашган Ҳиндистон ва Хитой ушбу рақамнинг тенг ярмини бўлиб олади. 2013 йил Хитойдаги бир миллион олти юз минг, Ҳиндистондаги бир ярим миллионга яқин, АҚШ ва Европа иттифоқи мамлакатларидаги 300 мингга яқин кишининг ўлимига ифлос ҳаво сабаб экани айтилади.

Аҳоли зич жойлашган шаҳарларда, табиийки, автомашиналар, саноат фабрикалари, хуллас, ҳавога зарар етказадиган шарт-шароитлар етарлича топилади. Узоқ йиллар давомида ўрмонлар кесилиши, қаровсиз қолдирилиши ёки эътиборсизлик оқибатида келиб чиқадиган ёнғинлар вазиятнинг бугунги ҳолатга келиб қолишига сабаб бўлди. Энг ачинарли жиҳати, катталар айби эвазига болалар жавоб беришга мажбур. Гап шундаки, ифлос ҳаво оқибатида ҳомиладор аёлларнинг тез касалланиши, эрта туғуруқ, енгил вазнли чақалоқлар, ногиронлар сони ортиб бормоқда.

Кундалик ҳаётимизда тез-тез учраб турадиган ҳолатлардан бири – дарахт барглари, шох-шаббаларни бамайлихотир ёқиб юборамиз. Ўйлаб кўринг, биз атмосферага чиқарётган мана шу арзимас тутунлар йиғилайиғила катта балою офатларга олиб келиши мумкин. Ибратни, аввало, ўзимиздан бошлайлик. Зеро, биз ифлослаган ҳаводан фарзандларимиз ҳам нафас олади.

Карим ЗАРИПОВ, ЎзЖОКУ талабаси

Ташриф

Маданият вазири Бухорода

Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилган муҳим ҳужжатлари ижроси юзасидан Маданият вазири Озодбек Назарбеков ҳамда унинг ўринбосари Жамол Носировлар буюк алломалар, пирлар юрти Бухорои шарифда бўлиб, дастлаб қадрдон даргоҳ – Садриддин Айний номидаги мусиқали драма театрини кўздан кечиришди.

Улар театрнинг бугунги кўриниши ва аҳволи билан яқиндан танишиб, қайта таъмирлаш ишлари учун кетадиган сарф-харажатлар сарҳисобини ўрганишди. Шунингдек, келгусидаги фаолиятига доир таклиф ҳамда тавсияларни бериб, театр лойиҳасига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлашди.

"Ахир бу ғўшада юксак савияли, бадиий жиҳатдан пухта, ғоявий етук асарлар саҳналаштирилган – дейди Маданият вазири Озодбек Назарбеков. – *Қарийб 100 йиллик тарихга эга маскан профессионал ўзбек театрларининг тўнғичи ҳисобланади. Қолаверса, Бухоронинг эски шаҳар қисмида жойлашгани учун ҳам уни қаровсиз ташлаб қўйиш маданиятга хиёнатдир.*

Театр биносини қайта таъмирлаб, замон талабларига мос тарзда жиҳозласак, Бухоро халқи унда саҳналаштириладиган спектакллар томошасига албатта қайтади".

Кейин улар Бухоронинг эски шаҳар ҳудудидаги маданий мерос объектларида ҳам бўлишди. Раҳбарларни, айниқса, "Тошсарой" мадрасасининг авария ҳолатига келиб қолгани ташвишлантирди. Вазир сайёҳларни жалб этадиган асосий манбаларимиздан бири сифатида ушбу ёдгорликни асл ҳолича сақлаш баробарида реконструкция ишларини олиб боришни, атрофига Бухоронинг қадимий анъаналарини, ҳунармандчилик намуналарини акс эттирувчи масканлар барпо этишни режалаштирди.



Шундан сўнг "Bukhara-City"да қурилиши кутилаётган Маданият маркази ҳамда 2000 ўринга мўлжалланган кутубхона лойиҳаси билан танишиш мақсадида "Bukhara-City" мажмуасига ҳам борилди.

Ташриф якунида Бухоро ихтисослаштирилган маданият мактаб интернатидаги янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнлари, ўқувчилар учун яратилган шароитлар ҳам ўрганилди.

Давоми. Боши 1-саҳифада

"Халқим, сизларни деб хавотирдаман!.."

Алҳол бу ёвуз коронавирус васвасаси энди бизни росмонасига огоҳликка чорламоқда. Агар ҳозирги таҳликали кунларда ота-боболаримиз, алломаларимиз ўгитларига, юртбошимиз таъкидлаган қоидаларга қатъий амал қилсак, бу нохуш ҳолатдан омон-эсон чиқиб кетишимиз мумкин. Бироқ беш қўл баробар эмас – бу ҳолатларга сабр қилишни истамайдиган бетоқат кимсалар туфайли бошқалар азият чекишига тўғри келяпти.

Сабоқ: айтишларича, яқин қўшни давлатда карантинни назар-писанд қилмай данғиллама тўй қилганлардан бирининг кекса отаси касалликни юқтириб олиб, вафот этибди. Унинг азасида иштирок этган яна 10 нафар амма-хола ҳам шу дарддан ҳаётни тарк этибди. Дунёда тобора авж олиб бораётган бу офатга қарши курашиш осон кечмаётгани, маййитларни касаллик тарқалмаслиги учун ёқишга мажбур бўлишаётганидан ҳам хабардормиз. Шундай ҳолатлардан бизни имкон қадар ҳимоя қилишга уринаётганлар омон бўлсин, илоҳим!

Қолаверса, "Кўрққанга қўш кўринар" деганларидек ҳар хил ваҳималарни тарқатувчи ҳовлиқмалар ҳам вазиятнинг мураккаблашишига сабаб бўлиши мумкин. Ахир, оддий ҳимоя воситаларидан оқилона фойдаланиш, юқори тиббий маданият соҳиби бўлиш муаммонинг ечимини осонлаштиради. Бу айни ҳақиқат. Буюк аллома Ибн Синодек тиб илмининг султони ўз даврида бедаво дардга қарши курашнинг энг мақбул йўли тозалик ва ҳаётий муҳим қонун-қоидаларга қатъий риоя қилиш ҳақида айтиб кетган сўзлари асрлар оша ўз аҳамиятини йўқотмай келаётганини ҳам яхши биламиз.

Зеро, Авиценна номи билан жаҳон аҳлига ҳамон тиб илмидан зиё таратаётган аждоди бор халқнинг бугунги масъулиятли дамларда сусткашлик қилишлари, умумий тартиб-қоидаларга амал қилишдан бош тортаётганларнинг учраётгани ғоят ачинарлидир. Давлатимиз томонидан улуғ инсонпарварлик тамойиллари намоён этилаётган бўлсада, бу неъматга бефарқ айрим аҳоли вакиллари билиб-билмай нафақат ўзлари, балки яқинларига хавф туғдиришмоқда. Аслида халқимизни жаҳонни ларзага солаётган дарддан муҳофаза қилишга жон-жаҳди билан киришган давлатимиз раҳбариятига қўл-қанот бўлиш, карантин қоидаларига қатъий амал қилиш, аввало, инсонийлик, қолаверса, фуқаролик бурчимиз эмасми? Ахир, бир пайтлар ёш болаларда ёки гўдакларда учрайдиган юқумли қизамиқ ёки чечак билан хасталанган беморга ҳеч кимни яқинлаштирмаслик, эшик тагига арқон ташлаб қўйиш ҳам ота-боболаримиз удуми бўлган-ку?! Наҳот белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиш шунчалик қийин?! Бу, энг аввало, ўзимиз учун керак эмасми?! Аҳолисини гўё ёш боладек эҳтиётлаётган, ҳимоясига олган, уйда ўтирган кунлари учун ҳам маош тўлайдиган ғамхўр давлатимизга бу оқибатлар учун қандай жавоб беряпмиз?

– Отахон, шу пайтда қаерга отландингиз? Ҳимоя ниқобингиз ҳам йўқ-ку? – деган мурожаатга нуроний отахоннинг жавоби шундай бўлди:

– Уйда ўтиравериб неваралари соғиндим. Кўриб келмоқчиман. Нима, мумкин эмасми? Э, менга ўргатма. 40 йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади.

Тўғри, отахоннинг гапи асоссиз эмас. Аммо вазият тақозо этганда истисно тариқасида амал қилишимиз керак бўлган ҳаёт талабларига бу ҳолатда муносабат билдириш ўринлимикин?! Бу борада енгил-елпи ҳаёт тарзига одатланган, маишатга ўч кимсаларнинг хурмача қиликлари, боз устига ИИБ ходимларига ножоиз сўзларни айтаётган баъзи ёшлар ҳам бир дам мушоҳада юритсалар яхши бўларди...

Сўнгги кунларда, айниқса, бу бедаво дарднинг кескин ортиб кеттани одамларни сергаклантирса, зора... Эътибор қилган бўлсангиз, яқиндагина касалланганлар сони 1000 дан ошибди деб хавотирга тушган эдик. Ахир, энди бу рақам бир неча баробарга ортаётгани мана шу оддийгина карантин қоидаларига амал қилиш маданиятининг етишмаётганидан эмасмикин?! Бу ўринда жонини хатарга қўйиб, беморларга хизмат кўрсатаётган шифокорлар меҳнатини қадрламасликка ҳаққимиз борми? Ёки бошқа мамлакатлардагига нисбатан анча кам туюлаётган ўлим ҳолатларига лоқайд қараш инсонийликка тўғри келмаслигини қайта-қайта уқтириш шартмикин?! "Бизда кенгчилик, кўча тўла одам, автобуслар ҳам қатнаб турибди" дея хотиржам бўлаётган яқин қўшниларимизнинг бугунги кундаги хавотирларини кўриб-билиб турибмиз, ахир! Наҳотки, зарурат бўлмаса, уйда қолиб жуда катта фалокатнинг олдини олишга ёрдам беришни истамаймиз?! Аслида бу синовли кунларни енгиб ўтишимиз қийин эмас. Агар биз бирлашсак, бир мақсад сари интилсак, ёвуз касаллик ўз-ўзидан барҳам топади. Бунинг учун масофадан туриб ўтказилаётган дарслар, Халқ таълими, Маданият вазирлиги томонидан уюштирилаётган турли маданий-маърифий тадбирларни кузатиб боринг. Сиз учун барча соҳа ходимлари ишда, хизматда. Сиздан талаб этиладигани фақат сабр қила олиш, бор неъматлардан миннатдор бўла олиш маданиятидир. Шундагина бу дард чекинади, аввалги дориламон кунларимиз қайтади.

С.РИХСИЕВА, "Маданият" газетаси мухбири

Қонун ва ижро

Маданият ходимларининг янги маошлари эълон қилинди

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ходимлари лавозим маошларининг янги миқдори тасдиқланди.

Эслатиб ўтамиз, 2018 йил 1 июндан давлат маданият муассасалари маъмурий-бошқарув, бадиий-раҳбар, артист, ижодий ва бошқа ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорлари ўртача 45%га оширилди. Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш гуруҳларини инобатга олган ҳолда ходимларнинг малака тоифалари ва лавозимлари бўйича базавий лавозим маошлари тасдиқланди.

2020 йил 1 февралдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори 1,07 бараварга ёки 7%га оширилди. Тегишинча, қуйидагиларнинг маошлари худди шу тарзда индексация қилинди:

- театрлар ва цирклларнинг маъмурий-бошқарув ва бадиий-раҳбар ходимлари;
- театрлар артист ходимлари;
- концерт ташкилотлари ва саройлари (театр-концерт саройи) маъмурий-бошқарув ва бадиий-раҳбар ходимлари;
- концерт ташкилотлари, мусиқа ва рақс жамоалари, шунингдек, цирклардаги артист ходимлари;
- ҳайвонот боғи ходимлари;
- давлат музейлари, музей-қўриқхоналари, уй-музейлари ва бошқа музей туридаги ташкилотлардаги маъмурий-бошқарув ходимлари, шунингдек, ижодий ходимлари ва мутахассислари;
- маданий-маърифий муассасаларнинг маъмурий бошқарув, ижодий ва бошқа ходимлари;
- маданият марказлари ходимлари.

Айрим муассасалар ва ходимлар тоифаси кесимидаги оширувчи коэффициентлар ўзгаришсиз қолдирилди. Иш берувчилар-бюджет муассасаларига янги рақамлардан келиб чиқиб ўз ходимларига иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўлаши топширилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 18.06.2020 йилдан кучга кирди.

Ислоҳотлар

Ўзбекистон – тамаддун ўчоғи

Истиқлол мафкураси шаклланишида миллий қадриятларнинг тикланиши алоҳида ўрин тутади. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб тил мустақиллиги, дин эркинлиги ва умуман қадриятлар тикланишига катта эътибор қаратилди. Дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ҳамда ислом илмида беназир бўлган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Бурҳонуддин ал-Марғиноний, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, шунингдек, Султон Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, буюк шоир ва мутафаккир мир Алишер Навоий каби олиму фузалолар меросини ўрганишга жиддий эътибор берилди. Қисқача қилиб айтганда, янги давр маънавий-маърифий макони ва муҳити шакллантирилди. Айниқса, Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги ҳисобланадиган маданий меросимизни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва ундан фойдаланиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда чуқур ислоҳотлар йўлга қўйилиб, давлат бошқарувини тубдан янгилаш ва иқтисодиётни модернизация қилишга қаратилган ўзгаришлар шулар жумласидандир. Айни пайтда юртимизда Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича қатор қарорлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги "Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Маданий мерос департаментининг илмий-эксперт кенгаши ташкил этилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августдаги "Моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига асосан Давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш анча миқдорда зарар етказилиши бўйича маъмурий ва жиноий жавобгарлик масаласи кучайтирилган.

Давлат раҳбарининг 2020 йил 26 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Маданий мерос илмий-тадқиқот институти" ташкил этилади. Ушбу қарор Ўзбекистон ҳудудидаги минглаб маданий мерос объектларининг хусусияти ва ҳолатига кўра илмий-тадқиқотлар натижаларига таянилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек, таъмир усулларини мос равишда оқилона танлаш имкониятини беради.

Ўзбекистон – қадимий тамаддун, бой маданий мерос ва юксак архитектура анъаналарига эга мамлакат. Унинг кўплаб катта ва кичик шаҳарларининг ёши минг йилларни ташкил этади. Ҳукуматимиз ва ЮНЕСКО қарори билан 1997 йилда Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги, 2001 йилда Термизнинг 2500 йиллиги, 2006 йилда Қаршининг 2700 йиллиги, 2007 йилда Самарқанднинг 2750 йиллиги, 2009 йилда эса Тошкентнинг 2200 йиллиги кенг нишонланди. Бунёдкор ўзбек халқига унут бўлган тарихий обидалари қайтарилмоқда.

Милоддан аввалги минг йилликлардан бери Тошкент, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз сингари шаҳарлар ривожланиб, маданият чорраҳалари сифатида ўзида моддий ва маънавий тараққиёт сиру асрорларини сақлаб келмоқда. Антик даврдаги шаҳарлар милоддан аввалги биринчи минг йилликдан шаклланиб келган. Жумладан, Қўйқирилганқалъа, Тупроққалъа Жонбосқалъа, Фаёзтепа, Мингтепа, Афросиёб, Вараҳша шаҳарлари геометрик мутаносиблик асосида қурилганлиги ва юксак даражада ривожланганлигини кўрсатади. Бу қадимий шаҳарлар жаҳон шаҳарсозлиги тараққиётининг умумий қонуниятлари асосида ривожланган.

Қадим замонларда бу заминдан қўпгина ўлкаларни ўзаро боғлаган "Мис йўли", "Лаъл йўли". "Зумрад йўли" ва "Буюк ипак йўли"сингари йўллар ўтган.

Ўзбекистон тарихий шаҳарларида бутун жаҳонга машҳур бўлган кўпгина диққатга сазовор жойлар мавжуд. Жумладан, Самарқанд меъморчилигининг энг гўзал намуналарини ўзида жо қилган Регистон меъморий ансамбли, Улуғбек расадхонаси, Бибихоним масжиди, Амир Темур мақбараси шаҳарнинг ташриф қоғозига айланиб бўлган. Бухоро ўзининг минг йиллик тарихий ёдгорликлари ва табаррук қадамжолари сони ва аҳамияти жиҳатидан дунё аҳлини мана неча асрларки, ҳайратга солиб келади. Ер юзидаги энг қўҳна шаҳарлардан бири — Хива Шарқ меъморчилигининг жавоҳири саналади. Хива шаҳри 1990 йили 12 декабрда ЮНЕСКОнинг Канадада бўлиб ўтган 14-сессияси махсус қарори билан Марказий Осиёда биринчи бўлиб "Бутунжаҳон мероси" рўйхатига киритилди. "Ичан-қалъа" давлат музей қўриқхонаси 1967 йили "Очиқ осмон остидаги музей" расмий мақомини олган. Шунингдек, Сурхондарёнинг бой тарихи, ноёб археологик ёдгорликлари дунё аҳлида катта қизиқиш уйғотмоқда, бу ҳудудда олиб борилган кўп йиллик археологик тадқиқотлар натижасида жаҳон тарихида оламшумул из қолдирган, Кушонлар даври маданияти ва шу ҳудудда шаклланган буддавийлик меъморчилиги дунё олимлари диққатини ўзига тортиб келмоқда. Бу ёдгорликлар халқимизнинг ўчмас қадимий тарихи гувоҳидир. Уларни ўрганиш, асраш ва жаҳон маданияти тарихидаги юксак ўрнини қайта тиклаш ишлари масъулиятли вазифа ҳисобланади.

Бундан ташқари, Тошкент, Шаҳрисабз, Фарғона каби шаҳарларда ҳам бой ва ноёб меъморий ёдгорликлар ўз архитектуравий жилваси билан кишиларни ҳайратга солмоқда.

Сир эмаски, собиқ шўролар меъморчилигининг сўнгги ўн йилликларида индустриал архитектура маълум даражада миллий анъаналарнинг йўқолишига сабабчи бўлди. Миллий маданиятимиз дурдоналарига нисбатан олиб борилган иккиюзламачилик сиёсати оқибатида, ҳатто қадимги ғиштлардан фойдаланиш мақсадида, кўплаб ёдгорликлар бузиб ташланди, ҳувиллаб қолган мадраса ва масжидларнинг кўпи омборларга, идораларга, шунингдек, қамоқхоналарга айлантирилган эди.

Бизнинг асрий анъаналаримизга хос бўлган чорбоғ, ҳовли композициялари, ҳовузлар, пештоқ, гумбаз, устун, тоқ, равоқ, кошинкорлик, ганчкорлик ва бошқа элементлар деярли қўлланилмай унутилиб кетаётганди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида меъморчиликка асрий анъаналар замонавий руҳда қайтадан олиб кирилди. Қурилган жамоат бинолари ва мемориалларда пештоқ, гумбаз, устун ва бошқа элементлар қўлланила бошланди. Улар шунчаки безак ёки анъана атрибути сифатида эмас, балки анъаналарни эъзозлайдиган янги давр ва жамият маънавиятининг моҳиятини очиб берадиган воситалар сифатида ҳаётга кириб келди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жами 8208 та кўчмас мулк объекти мавжуд бўлиб, улардан 4748 таси археологик ёдгорликлар, 2250 таси меъморий ёдгорликлар, 678 таси монументал санъат ёдгорликлари ҳамда 532 таси диққатга сазовор жойлардир.

Ўзбекистон ҳудуди жаҳон маданий меросининг юксак намуналарига бой бўлган ўлкадир. Мустақиллик йилларида миллий қадриятларнинг қайта тикланиши, қадамжоларнинг ободонлаштирилиши, узоқ тарихий даврларда миллат фахри бўлган шахсларни улуғлаш ғоясини ўртага ташлади. Юртимиздан етишиб чиққан буюк алломаларга атаб қурилган ўнлаб мемориал мажмуалар, Хотира майдонлари юзага келди. Ўзига хос мемориал мажмуаларни тиклаш йўналиши шаклланди. Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива, Қарши, Қўқон, Шаҳрисабз ва бошқа тарихий шаҳарларнинг меъморий ёдгорликлар жойлашган ҳудудлари қайта тикланиб, тарихий меъморий муҳит ҳам нисбатан асл ҳолатига олиб келинди, туристларга қулай тарзда ободонлаштирилди.

Келгусида қилинадиган ишлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, аввало, Маданий мерос ёдгорликларини илмий-тадқиқотлар асосида асраш, таъмирлаш ва қайта тиклаш, археологик қазишмалар орқали фанга маълум бўлмаган машҳур обидаларни аниқлаш қадимий маҳаллаларни улардаги миллий услубдаги турар жойларни сақлаш ва асраш бўйича мураккаб ва долзарб масалаларни эътиборга олиш ҳозирда энг долзарб замон талаби десак муболаға бўлмайди. Бизнинг асосий вазифамиз миллий меъморчилигимиз асосида бой тарихий анъанавий услубларимизни сақлаш ва келгуси авлодга етказишдир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири
Озодбек НАЗАРБЕКОВ

Абитуриентлар диққатига!

Юнус Ражабий номидаги санъат даргоҳига марҳамат!

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти 2020-2021 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар бўйича абитуриентларни ўқишга қабул қилади:

✔ Бакалавриат таълим йўналишининг Касб таълими бўйича

Анъанавий хонандалик ҳамда анъанавий чолғу ижрочилиги;

✔ Бакалавриат таълим йўналиши бўйича:

Мусиқашунослик, анъанавий хонандалик, анъанавий чолғу ижрочилиги ҳамда бахшичилик ва достончилик.

✔ **Магистратура босқичи:**

Мусиқа санъати, Анъанавий хонандалик ҳамда анъанавий чолғу ижрочилиги мутахассисликлари бўйича ҳужжатлар қабул қилинади.

✔ **Касбий** (ижодий) имтиҳонлар Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти томонидан белгиланган биноларда ўтказилади.

✔ **Маълумот учун:** ҳужжатлар жорий йилнинг 20 июнидан 20 июлига қадар Давлат хизматлари марказлари томонидан барча ҳудудларда – Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг расмий веб-сайти орқали қабул қилинади.

Кастинг

Рақс санъатининг ёш истеъдод ва ижодкорлари диққатига!

Хабарингиз бор, дунёга машҳур Муқаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" давлат рақс ансамбли қайта ташкил этилди. Ўзбек рақс санъати тарихида ўчмас из қолдирган ушбу ансамбль сафига қўшилишни истаган профессионал истеъдод эгаларига кастинг эълон қилинади.

Унда иштирок этишни истаганлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни телеграм тармоғи орқали @Bahor_tanloviBot манзилига юборишлари мумкин.

Батафсил маълумот учун телефон рақамлари:

(93) 578-88-38, (94) 601-41-51,
(71) 235-61-23, (97) 463-05-40;

Кастинг жараёнлари билан боғлиқ маълумотлар @madaniyatvazirligi расмий телеграм канали орқали бериб борилади.

Яна баҳор, яна гўзаллик, санъат,
Кўнгилларга солар завқ ила ҳайрат!

Тайинлов

«Баҳор» рақс ансамблида янги раҳбарият

22 июнь куни "Баҳор" давлат рақс ансамбли давлат муассасасига директор тайинланди.

Қайд этилишича, Йўлдошев Қобул Собиржонович Маданият вазирлиги ҳузуридаги Мукаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" давлат рақс ансамбли давлат муассасаси директори лавозимини эгаллаган. Шу кунгача у Маданият вазирлиги ҳузуридаги Халқаро фестивал-лар дирекцияси директори ўринбосари лавозимида ишлаган.

Шунингдек, ўша куни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон Республикаси халқ артисти Зиёда Мадраҳимова "Баҳор" давлат рақс ансамблининг бадиий раҳбари этиб тайинланди.

Зиёда Мадраҳимова 1972 – 1993 йилларда Мукаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" давлат рақс ансамблида балет артисти сифатида фаолият олиб борган.

Танлов

"WORLD ART GAMES"

Жорий йилнинг 10 июнь куни Испания давлатида **"World Art Games"** шиори остида масофавий фестиваль ўтказилди. Кўриктанлов шаклидаги бу тадбирда дунёнинг юздан ортиқ мамлакатидан иқтидорли ёшлар иштирок этишди. Наманган вилояти маданият бошқармаси тасарруфидаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактабининг 3 нафар иқтидорли ўқувчилари ҳам ушбу фестивалда қатнашиб, совриндорлар қаторидан ўрин олишди.

Бунда Фортепиано бўлимининг 4-синф ўқувчиси Ахрормирза Раҳмонов 13 – 15 ёш тоифасида скрипка ва фортепиано йўналиши бўйича фахрли 1-ўрин, шу бўлимнинг 2-синф ўқувчиси Севара Умматалиева 10 – 12 ёш тоифасида фахрли 2-ўрин, Халқ чолғулари бўлимининг рубоб прима йўналиши бўйича 2-синф ўқувчиси Отабек Умматалиев 10 – 12 ёш тоифасида 2-ўрин совриндорлари бўлишди. Иқтидорли ўқувчиларнинг ижод намуналари танлов ташкилий қўмитаси томонидан муносиб баҳоланиб, дипломлар билан тақдирланишди.

Шунингдек, улар танловнинг кейинги босқичларида, яъни Испания давлати Барселона шаҳрида ўтказиладиган фестивалда қатнашиш имтиёзини қўлга киритишди.

11-болалар мусиқа ва санъат мактабида карантин даври бўлишига қарамай масофадан қатор ишлар амалга оширилятпти. Бунга ёшлар ойлиги муносабати билан вилоят ёшлар марказида 16 июнь куни ўқувчи ва ўқитувчилар иштирокидаги онлайн концерт дастурини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Рашид ЯКУББАЕВ,
11-БМСМ директори

Муносабат

Эрта тонг. Бу вақтда шаҳар кўчалари машина, автобус ҳамда йўловчилар билан тўла бўлади. Кимдир ишга, кимдир ўқишга, кимдир бозорга шошган. Хуллас, кўчага чиққан борки, зарур юмушини бажариш учун қаергадир ошиқади. Аммо шундай тоифадаги йўловчилар ҳам учрайдики, улар ҳар қандай одамнинг эътиборини тортмасдан қўймайди. Масалан, улар қўлидаги телефони билан жамоат жойи саналган автобус бекатида турганига қарамай баланд овозда кўпол гаплашиши, қулоғига наушник тақиб олиб, катта йўлни кесиб ўтиши, энг ёмони, бекатта автобус келиб тўхтаганида атрофидагиларни (хоҳ ҳомиладор аёл, хоҳ кекса киши бўлсин) туртиб, итариб, салонга чиқиб оладиганлар бўлиши мумкин. Ҳа, юртимиз кўчаларида бундай йўловчиларга тез-тез дуч келиб турамиз. Нега шундай экан-а, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Муаммо шундаки, ҳалигача йўловчи маданияти, йўловчи одоби деган тушунчалардан йироқлар кўп.

Йўловчи маданияти

Сиз ҳам амал қиляпсизми?

УЛАРНИНГ ҲАМ ТОИФАЛАРИ БОР

Мунира Қаҳҳорова, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази бўлим бошлиғи, фалсафа фанлари доктори

Одам боласи ўз ҳаёти давомида бошқаларга таъсир кўрсатиш асносида ўзи ҳам муайян даражада улар таъсирига тушади, яъни муносабатга киришади. Ушбу жараён турли кўринишдаги маданиятларда намоён бўлади. Шулардан бири – замон тараққиёти белгиси бўлган жамоат транспортларидан фойдаланиш маданиятидир ва бу ҳозирда долзарблик касб этмоқда.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, биргина Тошкент шаҳрининг ўзида кунига бир миллион уч юз кишидан ортиқ йўловчи жамоат транспортларидан фойдаланади. Бизни қизиқтирган масала – мана шу йўловчиларнинг ўзини қандай тутаётгани. Ваҳоланки, инсонлар феъл-атвори турлича бўлгани каби уларнинг маданияти ва ахлоқи ҳам турфа хил.

Узоқ муддатли кузатувлар натижасида йўловчилар ихтиёрий ёки ғайриихтиёрий ишлари туфайли тоифаларга бўлиниши аниқланди. Биз кимларнидир ҳақорат қилишдан йироқ бўлган ҳолда йўловчиларни тоифаларга ажратиб, таҳлил этишни лозим топдик. Жумладан:

- биринчи тоифа – инсон йўловчи. У атрофдагиларни ҳурмат қилади, ўзининг кимлигини ҳам унутмайди. Атрофга мудом огоҳ ниғоҳ билан қарайди. "Қарға қарғанинг кўзини чўқимас" экан, инсон қандай бошқа одамга ҳурматсизлик қилиши мумкин.

- иккинчи тоифа – "хўкиз" йўловчи. У кўпол бўлади, ёнидагиларни туртиб-суради, бошқаларга озор беришдан роҳатланади. Унинг табиати шунақа. "Мен дилозорлик қиляпман", деб ўйламайди ҳам. Кўполлик унинг касбидек, беихтиёр бажаради. Бироқ унинг хатти-ҳаракати нотўғри. Шу сабаб бу тоифа инсонлар жамоатчилик томонидан тарбияланиши лозим.

- учинчи тоифа – "чўчқа" йўловчи. У жамоат транспорти салонини ифлос қилади, чапиллатиб сакич чайнайди. Бефаросатларча овқатланади, хуллас, ён-атрофини ифлос қилишда тенгсиз. Умуман, маст ҳолатда транспортга чиққан йўловчини ҳам ушбу тоифага киритиш мумкин. У қилаётган ишини тўғри деб ҳисоблайди. Шу боис уялмайди, тортинмайди. Танбеҳларни ҳам қабул қилмайди. Унинг "одоби" йиллар давомида шаклланган бўлиб, бунда маълум даражада катталарнинг ҳам иштироки бор.

- тўртинчи тоифа – "хўроз" йўловчи. Кўпинча бундайлар қўлида телефон бўлади ва бир зум ҳам ундан ажрамайди. Аксинча, овозининг борича қичқиради. Уятни унутган, тортинишдан узоқ кўйи ўзини танҳо санайди. Атрофдагилар бефарқ эмаслиги ушбу тоифадагиларни даволаши мумкин.

- бешинчи тоифа – "айиқ" йўловчи. У мудом уйқуда. Фақат уйқуси ёлғон – катта ёшлиларга жой бермаслик мақсадида бўлса ҳам, бошқаларнинг асаб толаларига таъсир қилиши шубҳасиз. Улар кўпинча ёшлар бўлгани боис изза қилиш орқали тарбия этилиши керак.

- олтинчи тоифа – "қуён" йўловчи. Бундайлар жамоат транспортидан текин фойдаланиш тарафдори. Гўёки унга бир умрлик имтиёз берилгандек, "қочиб" фойдаланишни афзал билади. Улар ўз ишини "ёшлик – бебошлик" қабилида оқламоққа интилишади.

- еттинчи тоифа – "маймун" йўловчи. Унинг иши – ўзгалар эътиборини тортиш. Қандай қилиб бўлса ҳам, мақсади йўлида ҳар қандай қилиқларга тайёр... У бесабаб баланд овозда кулиши, қўлларини силкитиб беўхшов қилиқлар қилиши, оёқларини чўзиб бошқалар ҳаракатига халақит бериши мумкин. Мазкур тоифанинг яна бир хислати – ифлослантиришда "чўчқа" йўловчига ҳамкор, ёрдамчи эканидир.

- саккизинчи тоифа – "лайлак" йўловчи. У ўзини кўз-кўз қилиш учун транспортга "бўйнини чўзиб" чиқади. Мақсади – бошқалар эътибори. Очиқ-сочиқлибос, ортиқча ясан-тусану шунга мос ноз-карашма; агар ўғил бола бўлса, зирак, татиуровка каби "безак"лару тор шим унинг "алоҳида белгилари" ҳисобланади.

Хўш, қани ўзингизга бир баҳо беринг-чи, сиз қайси тоифага кирасиз?

"МАДАНИЯТЛИ" ҚИЗНИ КЕЛИН ҚИЛГАНГА АЧИНАМАН!

Аббос КАРИМОВ, такси ҳайдовчиси

Маълумки, уйдан кўчага чиқдикми, йўловчига, йўл ҳаракати иштирокчисига айланамиз. Йўлда эса белгиланган қоидаларга, йўловчи маданиятига амал қилишимиз шарт.

Айрим ёшларимизда маданият етишмайди. Салом бериш у ёқда турсин, гап-сўзлари ҳам кўпол. Айримлари қулоғига наушник тақиб, мусиқа тинглаш билан андармон бўлиб, манзилига етиб келганини ҳам сезмай қолишади. Бирданига, тўхтатиб юборинг, деб бақиришади. Тормозни босиб, тўхташ учун мўлжални олгунимча, беш-ўн метр ўтиб кетаман. Бундан норози бўлиб, раҳмат ўрнига эшикни қарсиллатиб ёпиб кетишади. Агар уларга танбеҳ берсангиз, пулини тўлаб қўйдим-ку, дея ўдағайлаб, ўзларининг қўштирноқ ичидаги "маданиятларини", аслида кимлигини намойиш этишади. Бундай ёшлар орасида кизларнинг ҳам борлиги афсусланарли ҳолат. Уларни келин қиладиган одамларга ачинаман...

Айрим йўловчилар ўтирган жойига оғзидаги сақичини ёпиштириб кетади. Ичимликдан бўшаган баклашкасини ўриндиқ тагига отиб юборишади. Айрим аёллар оёқ кийимини артган бир марталик салфеткаларни салон ичига ташлаб кетишади. Ахир, буларнинг бари маданиятсизлик эмасми?

Кўчада шундай пиёдалар ҳам борки, йўлни кесиб ўтаётганда ҳам тинмай қўл телефонида гаплашади ёки қулоғига наушник тиқиб олиб, бамайлихотир мусиқа тинглаб ўтишади. Уларнинг қоидага риоя этмаётганини била туриб ҳаракатда давом этиши ҳайдовчилар асабига тегади. Хатто кетма-кет сигнал чалинганда ҳам эшитишмайди.

Ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаларига риоя этса, пиёда ва йўловчилар йўловчи маданиятига амал қилиб, бир-бирига нисбатан ҳурмат сақлашса, турли асаббузарликлар, кўнгилхираликлар камайтан, уларнинг олди олинган бўлармиди?!

АВТОБУСЛАРГА ЙЎЛОВЧИ МАДАНИЯТИ ЙЎРИҚНОМАСИ КЕРАК!

Иргаш ДАМИНОВ, Тошкент ислом институти ўқитувчиси

Инсон ҳайвондан фарқли равишда онгли мавжудот. Аввало, ҳар биримиз қаерда бўлишимизда қатъи назар инсон эканимизни, ўзлигимизни англашимиз зарур. Ҳар биримиз шунга асосланиб йўл танлайлик, болаларимизга ҳам шуни ўргатайлик. Ахир, қуш уясида кўрганини қилади-ку! Натижада кўп асрлик ҳикматлар ижобий тарафлама исботини топади, яъни яхшилар энг афзал инсонларни тарбиялаб, вояга етказган бўлади.

Биламизки, маънавий етук, маданий фазилатларга эга авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни муҳим. Оилавий муҳит одамни ё жисмонан соғлом, маънан етук қилади ёки аксинча. Шундай экан, тарбия усулини танлаш ҳар бир ота-онанинг ўзига боғлиқ. Ҳар ҳолда, шуни ҳам унутмаслик керакки, эқилган дарахт мевасини биринчи бўлиб уларнинг ўзлари тотишади.

Биламизки, метрода йўловчиларга кўрсатма аудио кўринишида берилади. Самолётда қоидалар экран орқали ва жонли тақдим қилинади. Мана шу амалиётни жамоат транспортлари, хусусан, автобусларга ҳам жорий этиш мумкин. Таклифимиз ҳар бир жамоат транспорти ичига ўрнатилган экранлар орқали "оммавий маданият"ни тарғиб қилувчи клипу кинолар ўрнига йўловчи маданияти ҳақида видеороликлар намойиши йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Яна бир масала. Ҳар бир автобусга йўналиш харитаси ёпиштирилади. Йўловчилар баъзан зарурат юзасидан, баъзан беихтиёр унга қарашади. Шундай экан, унинг ёнига йўловчи маданиятига тааллуқли кўрсатмаларни ҳам илова қилиш мумкин. Бу ҳам маълум даражада ижобий натижа бериши шубҳасиз.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Ҳар куни катта-кичик давраларда бўламиз, кўпчилик билан муомала қиламиз, хуллас, муносабатлар ичида яшаймиз. Аммо жуда оддий кўринган бу ҳаракатларда ҳам ўзига хос одоб, нозик жиҳатлар эътиборга молик. Ҳикматларда "Одоб буюк тождир, уни кийгин-да, қайга борсанг боравер", деб бежиз айтилмаган.

Ҳақиқатан, одоб тожини кийган киши одобсизлик қилмайди. Бироқ борган жойини унутиб қўйиб, ўзи ва ўзгаларга беҳурматлик билан қарайдиган кимсалар ҳам борки, улар бугун қайсидир маънода жамиятга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ҳозир юртимизда коронавирус сабаб эълон қилинган карантин даврида ҳам йўловчи маданиятига тўлиқ амал қилиш ўзимиз учун ҳар қачонгидан-да долзарб бўлиб турибди. Шундай синовли кунларда йўловчи замондошларингизга оралиқ масофа сақлаган ҳолда ҳурмат-эҳтиромда бўлинг, имкон қадар йўлда кетаётганда телефонда сўзлашманг (зарур ҳоллар бундан мустасно), қулоқчин (наушник)ни-ку, яхшиси, уйда қолдиринг. Афтобус, метро, поездларда баланд овозда гапирманг, яқинларингиз, дўстларингиз билан ҳазил, ўйин-кулгиларни истироҳат боғлари, дам олиш масканларида қилганингиз яхши, йўлда кетаётиб эмас!

Йўлдошларингиз ҳаққига хиёнат қилманг, жамоат транспортида егулик ва чипта қоғозларини қолдирманг. У ерда ҳам тозаликка риоя этинг. Кексаларга, болаларга, ҳомиладорларга жой беринг, узун йўлқдан юриб кетаётганда йўл бўшатинг. Кексалар юкини қўлларидан олиб, уларга кўмаклашинг. Адашиб қолган йўловчиларга тўғри йўл кўрсатинг.

Зеро, дунё халқлари ўзбек халқи маданияти ва маънавиятини юксак дея эътироф этишади. Демак, бу эътирофни сақлаб қолиш учун ҳар бир хатти-ҳаракатимизга эътиборли бўлишимиз лозим.

Камола АҲМЕДОВА таёрлади.

Унутилмас сиймолар

Соҳир овоз соҳиби

Ўзбек миллий анъанавий ашулачилик санъати ривожига катта ҳисса қўшган дарғаларимиздан бири Маъмуржон Узоқовдир. У киши 1904 йил Марғилоннинг машҳур Машҳад маҳалласида Бўзчи Узоқжон ака ҳамда Зебинисо ая хонадонида таваллуд топган. Маъмуржон Узоқов анъанавий ашулачилик олами осмонида чақмоқдек ёниб, момоқалдироқдек гуруллаб ўтган устозлардан бири эди. Унинг оиласи ҳам санъатга ошно бўлган. Шунинг учун бўлса керак Маъмуржон ёшлигидан қўшиққа меҳр қўйди. У Юсуфжон қизиқ, Жўрахон Султонов, Ҳасан Қори, Худойберган ҳофизларни ўз узтозлари дея тан олган. Улар ҳам ўз навбатида Маъмуржонга меҳр қўйиб, Ҳасан Қори дутор чалишни, Худойберган ҳофиз қўшиқ айтишни ўргатди. Ҳофизнинг кейинги 30 йиллик ҳаёти ва ижодий фаолияти улуғ санъаткор Жўрахон Султонов билан боғланган эди. Айниқса, унинг 1932 йилда Жўрахон Султонов билан бирга Тошкентга келиб, шу ерда яшай бошлаши, ижодида катта бурилиш бўлди десак муболаға қилмаймиз. У. 1939 йилда халқ ҳашарига айланган катта Фарғона канали қурилишида қатнашиб, ўз санъати билан эл орасида обрў топган. Ўша даврда Маъмуржон Узоқовга халқ ҳофизи унвони берилган. Устоз Муқимий номидаги мусиқа ва драма театрида кўплаб бош ролларни ҳам ўйнаган. Урушдан кейинги йилларда ўз фаолиятини ўзбек эстрадаси ва республика радиосида давом эттиради. Маъмуржон Узоқовнинг 6 нафар фарзанди бўлган.

Фарзандларидан Зуҳра Узоқова ҳамда ўғли Ҳасан Узоқов Ўзбек миллий мақом санъати марказида ташкил этилган музейга устознинг хотираларга бой бир қанча экспонатларини олиб келиб топширишди.

Келажакда юртимиздаги ёшларга ҳамда чет элдан ташриф буюрадиган меҳмонларга устоз босиб ўтган ҳаёт йўли экспонатлар орқали таништирилиб, тарғибот ишларини олиб бориш кўзда тутилган.

Абитуриент – 2020

“Маданият ривожланмаса, жамият ривожланмайди...”

– Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикрлари биз маданият соҳаси вакиллари учун, аввало, фахр, шу билан бирга улкан масъулиятдир, – дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, фан доктори, профессор Иброҳим Йўлдошев. Соҳага қаратилаётган алоҳида эътиборнинг ёрқин намунаси бўлган бу олий таълим даргоҳида не-не санъат дарғалари, маданиятимиз жонкуярлари таълим-тарбия олган, ўз фаолияти давомида халқ меҳрига сазовор бўлишган... Лекин замон шиддати, глобаллашув жараёнида айрим сусткашликларга йўл қўйилгани ҳам яхши маълум. Орадан вакт ўтиб, бу борада бирмунча жонланишлар сезилди. Сўнгги йилларда мамлакатимиздаги қатор олий таълим муассасалари орасида айтишга арзигулик ишлари, эришган ютуқлари билан эътиборга тушган бу масканга қадам қўяр экансиз, пандемия даври, карантин қоидаларига қатъий амал қилиб фаолият олиб бораётган аҳил жамоанинг самимий муомаласидан кўнгил ёришди. Яшилликка бурканган, анвойи гуллар яшнаб турган ҳовлининг файзи кўли гул инсоннинг ҳар қандай шароитда ҳам ҳаётга, тирикликка бўлган интилиши, завқи, ишқи, дардидан дарак бериб турибди. Кираверишда қабул жараёнларига доир маълумотлар жойланган катта-катта планшетлар ортиқча саволларга ўрин қолдирмайди. Ваҳоланки, ҳужжатлар ҳозирги карантин шароитига кўра онлайн тарзда қабул қилина бошланди.

Ўз навбатида ректорнинг очиқ чеҳраси, самимийлиги ишимизни осонлаштирди, бизнинг ҳам саволларимизга берилган жавоблардан кўнглимиз тўлди, санъат ва маданиятимиз ривожи, бу йўлда хизмат қиладиган ёшларимиз келажагига ҳавас қилдик. Дастлаб Президентимизнинг “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори хусусидаги фикрларини билдирар экан, суҳбатдошимиз шундай деди:

– Маданият тушунчаси сўнгги йилларда, айниқса, ҳаётимда ўзгача мазмун-моҳият касб этди. Аслида шу даргоҳда таълим-тарбия олиб, катта ҳаёт сари қадам ташлаганман. 10 йил давомида ушбу олийгоҳда ишлаб, номзодлик диссертациясини ёқлаганман. Кейинчалик Низомий номидаги педагогика университетида, А.Навоий номидаги тил ва адабиёт институтида ёшлар билан ишлаш асосида адабиёт, санъат, маданиятнинг нечоғлик бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканини ҳис этдим. Орадан бир неча ўн йиллар ўтиб яна қадрдон даргоҳимга раҳбарлик лавозимига тайинландим. Сир эмас, маданият соҳасига фақат кейинги йиллардагина алоҳида эътибор қаратила бошланди. Миллий маданиятимиз ривожи йўлида қатор фармону қарорлар қабул қилинди. Жумладан, юқорида таъкидланган икки муҳим ҳужжатни ҳам жамоамиз ўртасида диққат билан ўрганиб чиқдик. Ҳар бир бандида соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш, маданият ва санъатни ривожлантириш, юксалтириш мақсади кўзлангани бизнинг келгуси ишларимизга дастуриламал, янги-янги ғоялар, лойиҳалар яратилишига туртки бўлди. Афсуски, коронавирус балоси дунёнинг барча мамлакатлари ҳаётини издан чиқарди, табиийки, бизнинг режаларимиз амалга ошиши ҳам қийинлашди. Бироқ енгилиш йўқ. Карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ишни давом эттиряпмиз. Онлайн дарслар, онлайн синов, имтиҳонларда талабаларимиз имкон қадар ўз билим ва салоҳиятларини намойиш этишди. Уларнинг кучли билим ва иқтидор эгаси бўлишлари учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Ахир, битирувчиларимиз келгусида инсон қалбига ўз маданияти, бетакрор санъати, юксак маънавияти билан эзгулик нурини олиб кириши керак. Институтимизнинг рамзий белгиси ҳам ёниб турган юрак шаклида. Бу бежиз эмас албатта.

– Бир пайтлар институт талабаларининг саводи ҳақидаги баҳсли мунозараларнинг гувоҳи бўлганмиз. Бу камчиликни бартараф этиш борасидаги ишларингиздан ҳам хабардормиз. Китобхонликни кучайтириш учун қўлланган усулингиз ҳатто чет элда ҳам эътироф этилган экан...

– Талабаларни китобхонликка қизиқтириш учун, аввало, ўқитувчиларимиз ўз устида ишлаши, тинимсиз изланиши керак. Бунинг учун дарсликлар ҳам етарли бўлиши зарур. Шу пайтача 144 та фандан дарслик бўлмаган. Фақат маърузани тинглаш, улгуриб-улгурмай ёзиш қаёқда-ю, дарсликдан ўқиш қаёқда? Шунинг учун ҳар бир ўқитувчимиз билан индивидуал суҳбатлашиб, илмий иш олиб боришлари, номзодлик, докторлик даражалари учун ҳаракат қилишлари кераклигини тушунтирдим. Ҳозирги кунда керакли дарсликлар чоп этилиш арафасида. Улар асосан институтимиз ўқитувчиларининг илмий ишлари, изланишлари натижасида яратилди. Қолаверса, институт кутубхонасини янада бойитиш, китоб ўқиш учун қулай шароитлар яратишга ҳаракат қилдик. Ўқув залидаги саристалик, тинчлик-осойишталик билан бирга чиройли ликобчаларга ширинлик қўйиш, китобхонни бир финжон қаҳва билан сийлашга одатландик. Қарабсизки, кундан-кунга китобсеварлар сони ортиб борди, кутубхона талабаларимизнинг севимли жойига айланди. Нокамтаринлик бўлса ҳам айтай: бизнинг тажриба туркиялик маърифат фидоийларига ҳам маъқул бўлиб, президент кутубхонасида шундай усулни қўллашаётган экан!

– Шу ўринда давлатимиз раҳбари тавсияси билан олий таълим муассасаларида, ўзбек адабиётининг етук намояндалари, атоқли ёзувчи ва шоирларининг асарларини чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш йўлга қўйилиши ҳақидаги кўрсатмалари ижроси бўйича институтда бошланган ишлар хусусида ҳам сўзлаб берсангиз.

– Талабаларимизга бошқа ижодкорлар асарлари қаторида халқимизнинг севикли, ардоқли шоири Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодини мукаммал ўрганиш, ўргатиш, тарғиб қилиш вазифаси юклатилди. Бу биз учун шарафли топшириқ эди. Зеро, бутун ижоди она-Ватан, эл-юрт муҳаббатига суғорилган оташин шеърият соҳиби кўпларнинг қалбидан ўрин олган. Институтимиз ҳовлиси тўрига ўрнатилган ажойиб қўшк пештоқидаги “ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ МУҲАММАД ЮСУФ қўшки” деган ёзув ҳар қандай талабани тўлқинлантириши табиий. Бу жойда келгусида шеърхонлик кечалари мунтазам ўтказиб турилади, шоирнинг оила аъзолари ҳам уларда иштирок этиб, хотиралари билан ўртоқлашадилар. Яқинда Миллий боғда ташкил этилган табаррук адиблар хиёбони эса талабаларимизнинг севимли масканига айланади. Шеърлари куйга солиниб куйланса, порлоқ хотираси олдида бош эгиб таъзим қилинса, мана буни адабиёт, санъат ва маданиятнинг муштарак жилоси дейдилар.

– Кейинги йилларда институтда халқаро алоқалар йўлга қўйилганидан хабаримиз бор. Бу каби борди-келдилар талабаларга қандай таъсир кўрсатяпти?

– Ҳақиқатан, сўнгги 25 йил оралиғида халқаро алоқалар узилиб қолгани бор гап. 2018 йилдан Англия, Россия санъаткорлари, маданият ходимлари билан яқин алоқаларни йўлга қўйдик. Улар келиб талабаларимизга дарс беришди. Натижа ҳам узоқ куттирмади. 2019 йилда бўлғуси санъаткорлар жаҳон адабиёти намояндаси Вильям Шекспирнинг машҳур асари “Гамлет”ни ўзбек тилида ёзувчининг ватани – Англиянинг Лондон шаҳрида намойиш этиб, инглизлар олқишига сазовор бўлишди! 2018 йилда, шунингдек, Россиядан 40 нафар соҳа мутахассислари ташриф буюриб, талабаларга маҳорат дарсларини ўтиб беришди, ВГИК, ГИТС деб номланадиган машҳур маданият ва санъат олийгоҳлари билан ҳамкорлик ҳам бесамар кетмади. Талабаларимиз санъатнинг турли йўналишлари бўйича Россияда ўтказилган танловларда ғолибликни қўлга киритиб қайтишди.

– Бундай ютуқлар, табиийки, институтта кириб ўқиш иштиёқидаги ёшларимизни кўпайтиради. Ниҳоят, бу йилги қабул жараёни ҳақида кенгроқ тўхталсангиз?

– Таъкидлаганимиздек, ҳозирги кунда жаҳон афкор оммасини саросимага солиб қўйган коронавирус деган балои офат туфайли жамиятимиз тараққиёти сустлашди, кўпгина корхона ва ташкилотларда иш тўхтатилди, боғча, мактаб, олий таълим муассасаларидаги машғулотлар онлайн тарзда ўтилди.

Масофадан ўқитиш албатта ўқитувчига ҳам, ўқувчига ҳам ноқулайлик туғдиради. Начора, ота-боболаримиз айтганларидек, “Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ”. Шукрки, халқ дардига дармон бўлгувчи давлатимиз, қийналганларни қўллаб-қувватловчи саховатли халқимиз бор. Демак, бало-офатларни енгиб ўрганган халқимиз бу қийинчиликларни ҳам мардонавор енгиб ўтади. Ҳозирча эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига кўра, олий таълим муассасаларига ҳужжатларни қабул қилиш онлайн тарзда амалга оширилади. Муҳими, мураккаб шароитда ҳам халқимиз мушкулини осон қилиш йўллари ўйлаб кўриляпти, қабул квоталари оширилмоқда. Жумладан, бизнинг санъат ва маданият институтимиз ҳамда унинг Нукус ва Фарғона филиалларига 2020-2021 ўқув йили учун бакалавриатнинг кундузги таълим шакли бўйича 1100, сиртқи таълимга 475, магистратурага эса 78 нафар талаба қабул қилинади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, янги фармон ва қарорда белгиланганидек, мавжуд профессионал таълим, санъатшунослик, актёрлик, режиссёрлик, кино-телеоператорлик, халқ ижодиёти каби ўн бир йўналиш ва турлари қаторига янги: халқ ижодиётининг бахшичилик ва достончилик тури ҳамда грим санъати йўналиши киритилди. Дарвоқе, ҳужжатларни онлайн қабул қилиш қоидалари билан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг телеграм каналида батафсил танишишингиз мумкин. Имтиҳонлар эса барча карантин қоидаларига қатъий амал қилинган ҳолда институт биносида ўтказилади. Ҳозирги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, имтиҳон саволлари анчагина соддалаштирилгани, ижодий имтиҳонлар вақти ҳам қисқартирилганини айтиб ўтмоқчиман. Энг асосийси, имтиҳон жараёни тўлиқ видео тасвирга олинади. Яъни имтиҳонлар ҳаққонийлик, шаффофликка асосланган ҳолда ўтказилади... Бу усулнинг афзаллигини бир воқеа мисолида айтмоқчиман. Ўтган йилдаги қабулда узоқ вилоятдан келган бир йигитимизнинг отаси имтиҳон жарёнини катта экранда кузатиб, ўғлининг билими етарли эмаслигига ишонч ҳосил қилди. Айниқса, менга юзланиб, “Сизларнинг институтингизга кириш учун жуда кўп нарсаларни билиш керак экан. Менинг ўғлим эса на шеър ўқишни, на бирор монологни, жуда бўлмаганда ўқиган китоблари ҳақида бирор нарса айтолмади. Бизни кечиринг, энди ўғлим бир йил давомида яхшилаб тайёрланади, келаси йил албатта келамиз” деганида, ишонасизми, жуда ҳаяжонланиб кетдим. Шунда мен гўё ҳақиқатнинг, шаффофликнинг кучини бутун вужудим билан ҳис этдим...

Суҳбатимиз асносида англаганларимиз яна шу бўлдики, “Маданият дунёни қутқаради” деганлари айни ҳақиқат экан. Албатта бу ўринда гап соҳага адашиб кириб қолган кимсалардан фарқли ўлароқ, бу табаррук йўлни умрининг мазмунига айлантирган етук санъаткорлар, миллий маданиятимизни жаҳон тамаддуни даражасига олиб чиқа оладиган фидоийлар ҳақида бормоқда. Яна бир эътиборли жиҳат: Иброҳим Йўлдошевнинг режаси институтга эл ардоғидаги санъат дарғалари, устоз санъаткорларни жалб этиш, талабаларнинг улар сабоғидан баҳраманд бўлишига шароит яратиш. Шу мақсадда Ёдгор Саъдиев, Фатхулла Маъсудов, Эркин Комилов, Муҳаммадали Абдуқундузов, Мирза Азизов, Хайрулла Лутфуллаев каби кўпгина саҳна усталари ёрдами билан “устоз-шогирд” анъанасини давом эттириш. Биз эса, шу эзгу орзулар рўёбини тилаб қоламиз,

Сайёра РИХСИЕВА,
“Маданият” газетаси муҳбири

Туризм

Яна сайёҳлар ташрифи бошланди

Ислоҳотлар самараси ўлароқ кеча азим Хивага маҳаллий сайёҳларнинг гуруҳли ташрифи бошланди. Юртимизнинг энг диққатга сазовор жойларидан бири саналган – "Ичан-қалъа" давлат музей-қўриқхонаси ҳозирги карантин ва санитария меъёрларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Шу кунларда Наманган вилоятидан 50 нафарга яқин саёҳатчилар навқирон Хива шаҳрига зиёрат ташрифини амалга оширишди. Меҳмонларнинг аксарияти катта ёшдаги одамлар бўлишига қарамай, тарихий музей-қўриқхона бағрида анча ёшларгандек гўё. Буни уларни кутиб олишга чиққан миллий фольклор жамоаларининг куй-қўшиқларига тенгма-тенг рақс тушганларидан ҳам англаб олиш мумкин. Шунингдек, Хива қўғирчоқ театри актёрлари томонидан намойиш этилган саҳна кўринишлари ва қизиқарли томошалар ҳам уларда ёқимли таассурот қолдирди.

Меҳмонлар "Ичан-қалъа"даги Паҳлавон Маҳмуд, Уч Авлиё ва Саййид Аловуддин сингари муқаддас зиёратгоҳларда бўлиб, руҳий озуқа олиш билан бирга Хива шаҳрининг қадимий обидалар тарихи билан ҳам яқиндан танишишди.

"Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил" шиори остидаги мазкур саёҳатлар карантин ва санитария меъёрларига тўлиқ риоя қилган ҳолда амалга оширилиб, саёҳатчилар хавфсизлиги турли масъул ташкилотларнинг доимий назоратида бўлди.

Келажак эгалари

Барча ёшлар эътиборга лойиқ

Ҳозирги кунда вилоят аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Уларнинг ҳар бири меҳр, муҳаббат ва эътибор истайди. Билиб-билмай кичик бир хатога йўл қўйган, ҳаётда ўз ўрнини оз фурсатга йўқотган ёшлар бугун атрофдаги тенгдошлари каби кўплаб имкониятларга эга бўлишни исташади.

Юртимизда пандемия шароити бўлишига қарамай, ёшлар, айниқса, ИИБ профилактик ҳисобида турганлар билан ишлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан "Ёшлар ойлиги" доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Жиззах вилоят Кенгаши ҳамда вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида "Генерал ва ёшлар" учрашуви ўтказилди. Унда ички ишлар профилактик ҳисобида турувчи 30 нафар ёшлар иштирок этишди. Шунингдек, туман-шаҳарлар ҳудудидаги профилактик ҳисобда турувчи 70 нафар вояга етмаган ёшлар онлайн тарзда қатнашишди.

Учрашув аввалида вилоят Кенгаши раиси Дилмурод Худойшукуров сўзга чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган "Ёшларга оид давлат сиёсати"нинг амалдаги ижроси, улар манфаати давлат даражасига кўтарилгани, ўсиб келаётган келажак авлодларининг орзу-интилишлари, салоҳиятлари, амалга ошираётган ишлари ва улкан ютуқларини фахр билан тилга олди.

Сўнг вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, генерал-майор Ғайрат Кодиров тизимда ёшлар билан ишлаш масаласига алоҳида тўхталди. "Ёш авлодни ватанпарлик, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, жисмонан соғлом ва ақлан етук бўлишларига кўмаклашиш, турли ёт илларга қарши иммунитет ҳосил қилиш, ҳуқуқий онгини юксалтириш борасида ички ишлар тизимида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда" – дея таъкидлади у.

2020 йилда 25 нафар профилактик ҳисобда турувчи ёшлар бу рўйхатдан чиқарилган бўлса, келгуси йилларда ушбу кўрсаткич янада ошишига умид қиламиз. Мулоқот давомида бир қанча ёшлар тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги борлигини ва мавжуд субъектларни кенгайтириш лозимлигини, чекка ҳудудларда ҳам кутубхоналар фаолиятини йўлга қўйиш кераклигини айтиб ўтишди. Жумладан, ёш бўлишига қарамай "Боок сафе" очиш истагида бўлган Нодирабегим Саматованинг мақсадлари аниқ. Бу каби ёшлар доимо халқ эъзозида.

Учрашув давомида ёшлар билан ўтказилган савол-жавоблар, улар томонидан билдирилган таклифлар ва қизғин фикр-мулоҳазалардан сўнг 12 нафар ИИБ профилактик ҳисобида турувчи ёшларга ушбу рўйхатдан чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва эсдалик совғалари топширилди. Яна вояга етмаган профилактик ҳисобда турувчи, ўқув йилини аъло баҳоларга битирган 4 нафар ёшга "Asia school" хусусий мактаби томонидан ташкил этилган ёзги оромгоҳда таълим олиш йўлланмаси берилди. Уларнинг мактаб бадал пуллари вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан тўлаб берилади.

Учрашувдан кейин Ўрда экологик боғининг Ватанпарварлик хиёбонига саёҳат уюштирилди. Ҳамма ҳарбий ҳаво кучлари техникалари билан яқиндан танишди.

Мухлиса МЕЛИЕВА, Элдор НАВРЎЗОВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Жиззах вилоят Кенгаши матбуот хизмати

30 июнь – Ёшлар куни

"Келажак бунёдкорлари"

Ёшлик – ҳаётнинг энг гўзал даври. У орзу, умид, севги излаш ва инсонни шахс сифатида шакллантириш ёши. Диёримизда мазкур ажойиб даврга бағишланган байрам – "Ёшлар куни" – 30 июнь – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кунда нишонланади.

Байрам арафасида юртимиз бўйлаб кечалар, маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, маданий дастурлар, ёшларнинг маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари билан учрашувлари ўтказилади. Махсус концертлар ташкиллаштирилади.

Шу куни мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан бир гуруҳ иқтидорли ёшлар илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланишади. Мисол учун, бу йил Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан 30 июнь – "Ёшлар куни" муносабати билан ёшларнинг маданият ва санъатга бўлган қизиқишлари, ижодий фаоллиги ва иқтидорини рағбатлантириш мақсадида "Ёшларда маданий ҳаёт" республика фестивали эълон қилинди. У 18 – 30 ёшгача бўлган ҳаваскор ва профессионал ижодкор ёшлар орасида ўтказилади.

Шунингдек, мамлакатимизда ёшлар учун "Келажак бунёдкори" медали ҳам таъсис этилган.

Эътибор берсангиз, яқин йилларда "Ёшлар – бизнинг келажагимиз" ибораси машҳур бўлди. Бунга эътироз билдириш бефойда. Аммо ёшлар бизнинг ҳозирги замонимиз эканини ёдда тутиш муҳимдир. Чунки улар жамиятнинг энг ташаббускор ва фаол қисмидир. Айнан улар янги нарсаларни яратиш, энг муваффақиятли ечимларни излашга интилишади. Давлатнинг барқарор ривожланиши асосан унинг стратегик, иқтисодий ва сиёсий йўналиши ёш авлод томонидан қўллаб-қувватланаётгани ҳамда уларнинг ижодий фаолияти билан боғлиқ.

Ёшлар куни нафақат кўнгилочар мақсадга, балки ёшлар муаммоларига эътибор қаратишни ҳам кўзлаган.

Бугунги кунда ахборот технологияларининг, жумладан, Интернетнинг даври келгани кундай равшан. Хусусан, космик ва телевизион алоқа тизимларининг техник ривожи, компьютер, электрон почта, онлайн видео сингари ахборот технологияларининг жадал такомиллашуви кузатилмоқда. Ушбу жараёнлар бугунги кунда уларнинг таъсир доираси ва фойдаланувчилари сони сезиларли даражада ортиб боришига олиб келади. Шу боис мафкуравий жараёнлар глобал микёсга чиқиб, мафкуравий таъсир қилиш имкониятлари кенгайди.

Интернет замонавий ахборот омборининг аҳамияти қисмига айланди. Ёшлар янги билимга интилиб, бўш вақтларини коммуникатив фаолликка бағишламоқда. Уларнинг бундай ёндашуви салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, тажовузкор мафкуралар таъсирига тушиб қолиш, зўравонликдан очиқ шафқатсизликкача етиб бориш ва ҳоказолар. Атрофимиздаги, узоқ ва яқин минтақаларда содир бўлаётган воқеаларни ҳисобга олсак, нозик онгли ва ҳаётга беқарор дунёқараш билан боқувчи бузғунчи кучларнинг ёшларни йўлдан оздиришга интилиб, Интернет имкониятларидан ғаразли мақсадларда фойдаланаётганини инкор этиб бўлмайди. Баъзида бунинг қандай салбий оқибатларга олиб келишини ўйлаб, қўрқиб кетасан киши.

Инсоният келажаги, унинг янги минг йиллиги даги юзи ҳам ривожланишдаги замонавий хусусиятлар билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, бугунги миллий ғоя тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гап кетганда, маданиятсизлик элементларининг кенг тарқалиши, маданиятда тажовузнинг янги шаклда намоён бўлиши каби салбий ҳодисалар пайдо бўлишига эътибор қаратиш лозим. Бирор бир мамлакатда ирқий муросасизлик, ақидапараст жиноятлар ва гиёҳванд моддаларга қарамликнинг кучайиши ўша давлатда ёшлар масаласига маънавий-маърифий томондан бепарволик мавжудлигини кўрсатади ва натижада жамият инқирозга юз тутади.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда соғлом дунёқараш ва мустақил фикрлашга эга ёшлар тарбиясида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буюк мутафаккирларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш ва аҳолига етказиш, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Шу билан бирга, глобаллашув асрида Интернет орқали "оммавий маданият" ниқоби остида ёшлар онгига миллий манфаатларимиз, мафкура ва маънавий қадриятларимизга ёт бўлган ғояларни руҳлантириш кўринишида сингдиришга уринишлар ҳам кўп учраяпти.

Юқорида айтилганларнинг барчасидан келиб чиқиб, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш долзарб масалага айланмоқда. Ёшлар маънавияти қанчалик баланд бўлса, бегона ҳодисалар ва ғояларга қарши иммунитети шунчалик кучаяди.

Шундай қилиб, ўтган йилнинг апрель ойида давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳаларга оид ёшлар сиёсатида бешта муҳим ташаббусни илгари сурди. Унинг асосий мақсади ёшлар дунёқарашини кенгайтириш, маънавий савиясини ва эстетик тарбиясини ошириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, замонавий ахборот технологиялари бўйича билим ва кўникмаларини ошириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришдан иборат.

Ҳозирда юртимизда ёшларни маданият, санъат ва спортга жалб этиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш, ўқишга бўлган муҳаббатини кучайтириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг бешта ташаббуси бу борада асосий дастуриамал бўлиб келмоқда.

Биринчи ташаббус 2019-2020 йилларда 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг камида 20 фоизини маданият ва санъат соҳасига жалб этишни ўз ичига олади. Ёшларнинг мусиқа, санъат, адабиёт, театр ва бошқа санъат турларига қизиқишини кучайтириш устувор вазифа бўлиб, истеъдодларни юзага чиқаришга хизмат қилади. Бу йўлда болалар мусиқа ва санъат мактабларида қўшимча синфлар, чолғу, вокал ижро ва тасвирий санъат тўгараклари, маданият марказларида ҳаваскор театр гуруҳлари ҳамда болалар ансамбллари очилмоқда. Қуриладиган, реконструкция қилинадиган ёки капитал таъмирланадиган, шунингдек, жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхати шакллантирилди.

Иккинчи ташаббус ёшларни спортга жалб қилишни кўзлайди. Бу бора-

Диққат, Танлов!

"Ёшларда маданий ҳаёт" фестивали

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги юртимизда 30 июнь – "Ёшлар куни" муносабати билан ёшларнинг маданият ва санъатга бўлган қизиқишлари, ижодий фаоллиги ва иқтидорини рағбатлантириш мақсадида "Ёшларда маданий ҳаёт" республика фестивалини эълон қилади.

Фестиваль 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ҳаваскор ва профессионал ижодкор ёшлар орасида қуйидаги йўналишларда ўтказилади:

✔ Энг яхши Piano & Dutor battle ижрочилари;

✔ Энг яхши бахшичилик санъатидаги Cover & DJ ижрочилари;

✔ Энг яхши "Ёшларда маданий ҳаёт – Cultural life among the youth" Fleshmob & Chellenge муаллифлари;

✔ Энг яхши "Маданий ҳаёт, оқ ва қора рангда – Cultural life, in white and black" мавзусидаги фото суратлар муаллифи.

✔ Фестивалга барча ижод намуналари жорий йилнинг 20 июнидан 10 июлига қадар Маданият вазирлигининг телеграмдаги @mvforbot махсус танловлар боти орқали қабул қилинади.

✔ Голиблар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан 4 млн. сўм пул мукофоти билан тақдирланади.

✔ Бундан ташқари, ғолиб деб топилган иштирокчиларга йўналишлар бўйича таниқли маданият ва санъат вакиллари билан бир марталик дуэт, ҳамкорликдаги ижодий ишни амалга ошириш имконияти берилади.

✔ Фестиваль якунига кўра, ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими 2020 йилнинг 20 июль куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида тантанали равишда ўтказилади.

Шошилинг! Машҳурлик сари илк қадамлар сизники бўлиши мумкин.

✔ Танлов жараёнлари билан боғлиқ барча маълумотлар @madaniyatvazirligi расмий телеграм канали орқали бериб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ахборот хизмати

да келгуси икки йил ичида ҳар бир туманда енгил тузилмалар ва сэндвич панеллардан фойдаланган ҳолда кичик спорт залларини қуриш таклиф қилинди. Ушбу ташаббус доирасида "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" ва "Ҳоким кубоги", "Ёшлар марафони" акциялари ва ҳафталик спорт тадбирлари ўтказилмоқда.

Учинчи ташаббусда аҳоли ва ёшлар орасида компьютер технологиялари ва Интернетдан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар дастури лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унда 2019-2020 йилларда рақамли технологиялар бўйича ёшларни бепул ўқитиш ва 19 мингга яқин ижтимоий соҳа объектларини юқори тезликдаги Интернет билан таъминлаш кўзда тутилган. Шу ўринда мамлакатимизда кенг оммалашган "Дигитал Генератион" лойиҳасини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унинг натижасига кўра, танловларда замонавий технологияларни моҳирона ўрганаётган 90 нафар йигит-қиз аниқланди.

Тўртинчи ташаббусни амалга ошириш учун ёшлар маънавиятини юксалтириш ва китобхонлик маданиятини ошириш бўйича дастур ишлаб чиқилган. Ҳар бир минтақага 1 миллион нусхада бадиий адабиётлар, тарихий, илмий ва ўқув адабиётлари, шунингдек, махсус транспорт воситалари – библиобусларни юборишга қарор қилинди. Ёшлар иттифоқининг барча мактаблари ва маҳаллий кенгашлари 470 минг бадиий адабиётлар билан бепул таъминланди. Буларнинг барчаси ўқувчилар ўртасида "Ёш ўқувчи" республика танловига кучли қизиқиш ва китобхонликнинг кенг оммалашувига сабаб бўлди. Уларнинг қимматбаҳо совғалар, яъни автомобиллар билан тақдирланиши мутолаага қизиқишни оширди.

Бу йил пандемия ва карантин шароитида ўзининг ҳаётий эҳтиёжини исботлаган яна бир лойиҳа бу электрон кутубхоналар бўлди. Унинг ёрдамида 62 344 кутубхона ахборот ресурслари рақамлаштирилди.

Бешинчи ташаббус аёлларни иш билан таъминлашни назарда тутади.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси 660 нафар хотин-қизга субсидиялар ажратди, 4 656 нафар ҳамюртимиз меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларни ўрганди. Ёш аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва гендер тенглигини таъминлаш мақсадида биринчи бўлиб «Қизлар овози» платформаси, унинг асосида ҳудудларда «Қизлар овози» тўгараклари ташкил этилди. Бу эса қизлар орасида етакчилик фазилатларининг шаклланишига кўмаклашади.

Умуман олганда, бугунги кунда ҳукуматимиз ёшларга таълим олиш ва тўлақонли инсон бўлиш йўлида замонавий, илғор инновацион шароитлар яратиш учун барча имкониятларини ишга солмоқда. Зеро, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом авлодни ватанпарварлик ва фидоийлик руҳида тарбиялаш уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратиладиган эътибор қанчалик кучли эканига боғлиқ. Айнан шу сабаб ҳукуматимиз жамиятнинг фаол қатлами саналган ёшларни "муаммо" эмас, балки мамлакат тараққиётини давлатнинг стратегик ресурси сифатида таъминлашга қодир улкан куч деб билади.

Натижада бугунги кунда мустаҳкам ҳаётий позицияга эга, юксак билимли ва замонавий фикрлайдиган ёшлар аста-секин мамлакатнинг эртанги тараққиёти учун ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Бинобарин, аҳолининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этадиган мамлакатда уларга оид давлат сиёсатини изчил йўлга қўйиш, ҳар томонлама ривожланган, интеллектуал қобилиятли, мақсадга йўналтирилган ва ҳаётга ғайрат билан боқувчи, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларга бефарқ бўлмаган ва ўз юртининг эртанги кунига муносиб келажаги билан жавоб бера оладиган ёш авлодни тарбиялаш Ўзбекистон диёри дунёнинг энг ривожланган давлатлари орасида муносиб ўрин эгаллашида муҳим омил бўлмоқда.

Азиза ФАЗИЛОВА,
Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси

Мулоҳаза

Ниқоб – соғлик ҳимоясими ёки солиқ?

Халқимиз соғликни туман бойликка қиёслайди. Неъматларнинг энг азизи ҳам тан саломатлигидир. Бугунги кунда жаҳоннинг ҳар бир бурчагига кириб боришга улгурган тождор вирус ҳам инсонларга бу улуғ неъматнинг қадрига етиш кераклигини ҳар дамда эслатиб турибди.

Республикамизнинг туману шаҳарлари рангли ҳудудларга ажратила бошлаганидан буён яшил рангни кўриш, номини эшитишга интиқмиз. Бу ранг билан белгиланган туман ёки вилоятларда чекловларнинг енгиллашишигина эмас, соғлигимизга бўлган таҳдиднинг оз бўлса-да узоқлашганидан кўнглимиз хотиржам тортади. Лекин бу карантин тугади, энди ниқобларни ечиб, бемалол юришимиз, турли тадбир ва маракалар ташкил қилишимиз, уларга оммавий қатнашишимиз мумкин дегани эмас.

Олимларнинг кузатишича, ҳали-ҳануз чекинишни билмаётган бу вирус фақат инсонлардан юқиш билан чекланмайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, вирус инсон танасига тушиши ва зарарлаши мумкин бўлган жараёнгача анча кенг имкониятларга эга. Энг ёмони, унинг иссиқ ҳароратга ҳам бардошли экани тахмин қилиняпти. Демак, кўзга кўринмас эпидемия ҳар қадамда бизни тақиб қилаётган бўлиши мумкин.

Кўча-кўйда, бозорларда одамлар оқими камайган бўлса-да, тўхтамаган. Кимдир томорқасида етиштирган маҳсулотини олиб чиқиб сотса, бошқа бирови уй хўжалигига керакли озуқаларни харид қилиш учун бозорга шошади. Кузатсак, яшил этиб белгиланган ҳудудда яшовчилар бошида белгиланган қатъий карантин тартибининг бироз юмшатилишини бемалоллик деб тушунишди, ҳатто айримлари ниқоб тақишни-да унутиб қўйишди. Бефарқлик билан турли йиғинлар ташкиллаштирганлари ҳам бўлди. Тез орада қаттиқ чеклов тартиби яна тикланишни бошлади. Беэътибор бўлганлар маъмурий жавобгарликка тортилди ҳам. Баъзилар бундан сабоқ олди, бошқалари эса ҳали ҳамон ўз билганича иш тутишни маъқул кўрмоқда. Мисол учун, айрим фуқароларга ҳозирги вақтда қилинаётган ҳушёрлик даъватлари, огоҳлик чақириқлари етиб бормаётгандек, ниқоб тақиш ва гигиена қоидаларига деярли амал қилишмаяпти.

Ҳар бир амалнинг ўз қоидаси бор. Шу жумладан, ниқоб тақишнинг ҳам. Бундан англашиладики, кимлардир ниқобни шунчаки жаримага тортилмаслик учун тақиб юришибди. Сўзни исботи билан тасдиқлайдиган бўлсак, бир фуқаро дорихонадан ниқоб сотиб олди ёки уйида қўлда тикиб тайёрлади. Кун бўйи юзидан тушмаган ниқоб кечга бориб чўнтакка солинади ва шу билан эсдан чиқади. Эртаси куни кўчага ёхуд бозорга отланган чоғда яна ёдга тушади ва солинган жойдан олиб тақилади. Агар бу жараён бир неча марта давом этса, ниқобга зарар етиши тайин. У ифлосланиши, узилиши ёки йиртилиши мумкин. Дорихонадан олинган ниқоб ҳар уч соатда алмаштирилиши керак. Қўлда тикилганига эса яна бошқа-бошқа инфекциялар ўтириб қолмайди деб бўлмайди. Фаросатли инсонлар бу даражага етиб келмасидан ҳимоя воситасини ишқорий тозаловчи восита билан ювиб тозалайди ёки янгисига алмаштиради. Аммо, афсуски, иши билан бўлибми, баъзи бировлар мазкур жараённи бажаришга лоқайд ёки шунчаки унутишади. Балки, бу онгли равишда қилинмас, бироқ айни дамда, айниқса, соғликка қилинган бефарқлик яхши оқибатга олиб келмаслиги ва кечирилмаслигини фаҳмлашлари зарур.

Юзга тақилиши мумкин бўлган ифлос ниқоб кун давомида нафас йўли орқали инсон танасига бошқа бир турдаги зарарли бактерияларнинг ўтиб кетишига шароит яратади. Оқибатда ўткир нафас йўли зарарланиши каби касалликларга чалиниш ҳоллари кузатилиши мумкин. Бу эса "жаладан қочиб дўлга тутилиш"дек гап. Мажбурий этиб белгиланган карантин талабларига лоқайдлик билан ёндашган айрим шахсларнинг маъмурий жавобгарликка тортилиш жараёнигача етиб келган чоғдагина тақиб юрган ниқобининг ифлосланганлиги, узилиб ёки йиртилганлигини сабаб қилиб кўрсатиши кишини ажаблантиради.

Куни кеча маъмурий жавобгарликка тортилган бир шахс билан суҳбатлашганимизда унинг ўзини оқлаш йўлида айтган гаплари бизни таажжубга солди. Карантин кучайтирилган бозорчада ниқобсиз юрган фуқаро қўлга олиниб, нима учун ҳимоя воситасини тақмаганлиги сабаби сўралганида ниқоби узилиб кетганлигини рўкач қилди. Яна бошқа бир фуқаро ифлосланган ниқобни тақишни истамагани ва тартибга риоя этмагани учун жаримага тортилди. Иккаласининг ҳам баҳонаси "ниқоби борлиги" бўлса-да, кўринадики, улар вирусдан ҳимояланиш воситасини шунчаки тартибот ва гарданига тушиши мумкин бўлган жаримага тушмаслик учун олиб юришган. Афсуски, чеклов тартиби ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаганини, энг ёмони, соғлигига таҳдид борлигини тушунмаслик ачинарли ҳолат.

Мавзуни маданиятга улашнинг ҳожати йўқ. Шуни ҳам **айтиш лозимки**, бу кимгадир қасдма-қасд қилинадиган иш ҳам эмас. Энг аввало, бизнинг соғлигимиз, оиламиз тинчлиги, фарзандларимиз саломатлиги учун қилиниши шарт бўлган бурчимиздир. Ҳар бир киши онгли равишда, юз бераётган жараёнлардан сабоқ олган ҳолда, қатъий этиб белгиланган карантин тартибига риоя қилиши, шундагина бугун ҳеч кимни аяшни хоҳламаётган вирусни енгиб ўта олиш мумкинлигини англаб етиши лозим.

Хулоса қиладиган бўлсак, ниқоб тақиб юриш бугунги куннинг энг муҳим талаби ва фақатгина ҳукумат чиқарган қонуну қарор ёки фармонлар учун эмас, белгиланган тартиб-қоидага кўр-кўрона амал қилмаган ҳолда, ўз соғлигимиз учун ҳам ниқоб тақиб юриш, гигиенага қатъий риоя қилишимиз лозимлигини тушуниб етайлик. Соғлигимиз ўз қўлимизда экан, лоқайдлик қилиб уни бой бериб қўймайлик.

Муяссар МАШАРИПОВА,
ўқитувчи

Сарҳисоб

"Ичан-қалъа"даги маданий меросларни таъмирланди

"Ичан-қалъа" давлат музей-қўриқхонаси шаҳар ёдгорлик бўлиб, ўзбек халқининг кўп йиллик шаҳарсозлик маданиятини, меъморчилик санъатини, тарихий обидаларда жойлашган 19 та доимий кўргазма ва экспозициялари орқали кўҳна даврлардан XXI аср бошларигача бўлган ўтмишини далилий ашёлар орқали намойиш қилади.

2019 йилда музей-қўриқхонаси илмий ходимлари томонидан Вилоят туманларига илмий экспедициялар ташкил қилиниб, 874 та музейбоп ашёлар тўпланди. Шулардан: 438 таси асосий, 436 таси илмий-ёрдамчи фондга киритилди.

Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) II нинг фойтун аравасининг ҳамда 16 та мис буюмлар реставрация қилинди.

"Қадимги Хоразм тарихи", "Хоразмшоҳлар тарихи", "Хоразм хонлари тарихи", "Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий уй-музейи" ҳамда Шерғозихон мадрасасида "Хоразм табобати тарихи", Полвон қори мажмуасида "Оқ масжид меннонитлари" Қадимги Хоразм бўлимида "Хоразм тангалари жамланмаси" кўргазмалари ташкил этилди. Кўҳна Арк мажмуасидаги Арзхона ва Зарбхона ҳамда Хива хонлиги бўлимига қарашли "Қозихона" интерьерлари реэкспозиция қилинди.

Шунингдек, илмий ходимлар томонидан "Хоразм хонлари тарихи", "Ҳайрат лаҳзалари" рисолалари, "Хива шаҳрига саёҳат" (ўзбек тилида) йўл кўрсаткичи, Хива шарқ дурдонаси фото-альбоми (немис-француз тилларида), Амалий санъат, Хива хонлиги тарихи бўлимларининг буклетлари, сайёҳлик харитаси тайёрланди. Республика, вилоят, туман газеталарида илмий ходимларнинг мақолалари чиқарилди.

Хорижий мамлакатлардаги музейлар ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида ҳамда янги ташкил қилинадиган "Қадимги Хоразм", "Хоразмшоҳлар" ва "Хоразм хонлари" тарихи экспозицияларини шакллантириш жараёнида хорижий музейларда сақланаётган Хоразм тарихига оид маълумотларни тўплаш ҳамда улардан нусха олиш мақсадида музей илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди Комилжон Худойберганов Япония, музей фонди мутахассиси Хамза Мадалиев Украина ва Россия давлатларида хизмат сафарида бўлишди. 2019 йил 2-3 июнь кунлари Москвадаги "Шарқ халқлари музейи" ва "Евроосиё археология музей"лари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.



Ш.МАТЯҚУБОВ, "Ичан-қалъа" давлат музей-қўриқхонаси директори

Таъзиянома

18 июнь куни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Бобур Бобомурод оғир жудоликка учради.
Унинг падари бузруквори Ҳоди бобо вафот этди.
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги номидан шоир Бобур Бобомуродга чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Онлайн учрашув

"Сен менинг қаҳрамонимсан"

Ёшларнинг театр ва санъат соҳасига бўлган қизиқишларини янада кучайтириш ҳамда улар ўртасида ҳаваскорлик жамоаларини ташкил этиш мақсадида Тошкент вилояти маданият бошқармаси хамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда «Ёшлар ойлиги» доирасида "Сен менинг қаҳрамонимсан" мавзусида учрашув ташкил этилди.

Ўтказилган online учрашувда Ўзбек миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хожиакбар Комилов, Ўзбек миллий академик драма театри актрисаси Зилола Ғуломова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов, актёр Ҳасан Тоиров, ёш ижодкор, хонанда Дилшодбек Юнусовлар иштирок этишди.

Ташкиллаштирилган тадбирда санъаткорларимиз ўзларининг ижод йўли, санъат соҳасидаги эришган ютуқлари ҳамда келажакдаги режалари ҳақида ёшлар билан қизғин суҳбатлашишди.

Шунингдек, online кузатиб турган ёшларни қизиқтирган саволларга санъаткорларимиз томонидан кенг ва батафсил жавоблар берилди.

Жануб гавҳаридан янгилик

Ноёб ҳайвонлар сони кўпаймоқда

Бугун Термиз ҳайвонот боғи аҳолининг севимли масканига айланган. Дунёда нодир саналган Амур йўлбарси, Осиё шерлари, Бухоро буғуси, Макака маймунлари каби кўпгина ноёб жониворлар бу ошёнда эркин яшаб келаётгани ҳам воҳамиз иқлимининг турли ҳайвонлар кўпайишига мослигини исботлайди. Қизил китобга киритилган ҳайвонларимиздан бир неча тури 2020 йил январдан то шу кунга қадар тутқун шароитда бола туғиши бу ҳақиқий жануб гавҳари –Амур Темур ордени соҳиби Термиз шаҳридаги Термиз ҳайвонот боғи янгилиги бўлди. Ҳайвонот боғи жамоасининг самарали меҳнати натижасида март ойида

Африка ёлдор қўйи уч бош, Камерун эчкиси икки бош, май ойида Амур йўлбарси икки бош,

Яван макака маймуни бир бош,

Морхур икки бош,

бўри бир бош,

бир ўркачли туядан бир бош насл олишга эришилди.

Термиз ҳайвонот боғида ноёб ҳайвонлар сони ҳамда турини кўпайтириш, уларни асраб-авайлаш юзасидан Сурхондарё вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ва ҳомийлар ёрдамида бир бош узун думли қирғий бургут, уч бош бурама шохли эчки, бир бош Бухоро буғуси, тўрт бош Бухоро тоғ қўйи, бир бош чия бўри, бир бош қўнғир айиқ билан ҳайвонот боғидаги ноёб жонзотлар сони бойитилди. 2020 йилнинг беш ойи мобайнида ҳайвонот боғида ноёб жонзотлар сони жами йигирма уч бошга кўпайди. Албатта, бу ютуқларга эришишда ҳайвонот боғи жамоасининг тинимсиз меҳнати, ҳайвонларни кунлик рацион асосида озиқлантириш, ветеринария хизматларининг ўз вақтида кўрсатилиши, ҳайвонот боғи маъмуриятининг диққат эътибори ноёб ҳайвонлар тури ва сонининг кўпайишида эканлигидадир.

Б.ЖУМАЕВ, Термиз ҳайвонот боғи матбуот котиби

Маданий ҳаёт

Уй-музейлари ҳамкорлиги йўлга қўйилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар ва улар ижроси юзасидан ёшларнинг маънавий дунёсини бойитиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Тошкент шаҳар уй-музейлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди.

Моддий ва маънавий меросни сақлашда, ўз тарихи ҳамда маданиятини тарғиб этишда уй-музейларининг ўрни беқиёсдир.

Уй-музейлари ҳар бир элат фидоийларининг ўтмишини ифода этувчи жонли тарих ҳисобланади. Уй-музейларидаги экспонатлар шу гўшада яшаб ўтган ҳар бир ижодкорнинг маданияти, турмуш тарзи, миллий анъана ва қадриятларини ўзида жам этган бўлиб, уларни ўрганиш, тарғиб этиш ва келгуси авлодга етказишда катта аҳамият касб этади.

Эндиликда уй-музейларининг ҳамкорликда ишлашини йўлга қўйишдан мақсад, ҳар бир томошабинни ёзувчи яшаган муҳит, унинг асарлари, қўлёзмалари; бастакорларнинг ижод маҳсулларини, мусиқа асбобларини; рассомнинг чизган суратларини, ҳофизнинг миллий мусиқаларимизни маромига етказиб куйлаганини ва ноталарини яқиндан таништириб, шу орқали ёшлар қалбида қизиқиш уйғотишдир.

Ҳамкорликда ишлашнинг яна бир қулайлиги шундаки, бунда томошабин аудиториясини кенгроқ қамраб олиш мумкин. Чунки томошабин қанча кўпайса, талаб ҳам шунга яраша ошади. Яъни кимдир китоб ўқишга, бири шеър ёдлашга, бошқаси расм чизишга ёки мусиқа басталашга қизиқиши мумкин. Томошабинга бу маълумотларни мемориал музейлари ўша давр муҳити билан сингдира олади десак муболаға бўлмайди.

Ҳозирги кунда уй-музейлари ҳамкорликда онлайн кўчма кўргазмалар ташкил этиш устида иш олиб бормоқда. Бундан мақсад пандемия шароитида музейга келишни хохловчиларга, илмий иш қилмоқчи бўлганларга, ёшларга маънавий озуқа ва маълумотлар бериб боришдир.

Шунингдек,

- уй-музейларида Миллий музей фондининг электрон давлат каталоги "goskstslog"ни яратиш ишлари муваффақиятли олиб борилмоқда.

- 2020 йил Маданият вазирлиги томонидан ташкил этилган 18 ва 29 май кунлари "Пандемия даврида Ўзбекистон музейлари: фаолиятнинг янги шакллари ва жамият билан муносабатлар" мавзусидаги видео-конференцияда барча уй-музейи раҳбарлари иштирок этишди.

Унда Тошкент шаҳар уй-музейлари касаба уюшмаси раиси Наталья Гунованинг "Карантин даврида мемориал музейларда маданий меросни сақлаш муаммолари" тўғрисидаги маърузаси тингланди.

Ибрат

Ўзбек театршунослик мактаби фахрийси

Орамизда шундай инсонлар борки, улар ҳар доим ўзгаларга ибрат, ҳаёт йўлларимизда йўлчироқ бўла олади. Ҳалол меҳнат инсонни улуғлайди, қадрини баланд қилади. Қаҳрамонимиз Муҳаббат Тўлахўжаева ҳам жамиятда ўз ўрнига эга олима, тажрибали педагог бўлиб, унинг меҳнати ўзбек театршунослик мактаби ривожига катта ҳисса қўшмоқда.

Муҳаббат Тўлахўжаева 1946 йил 23 июнь куни Тошкент шаҳрида таваллуд топган, отаси Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўла, онаси Тамара Тўлахўжаева, укаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нозим Тўлахўжаев бўлиб, улар оилавий адабиёт ва санъат ичида яшашган.

1969 йили аввалги Тошкент театр ва рассомчилик институтини тамомлаган олимамиз 2011 йилдан буён Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти "Санъатшунослик ва маданиятшунослик" кафедраси профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Муҳаббат опа ўз илмий изланишлари билан ўзбек театршунослик мактабида улкан боғ ярата олди. Мамажон Раҳмонов, Муҳсин Қодиров, Тешабой Баяндиев, Тоир Исломов, Ҳамидулла Икромов каби улуғ устозлар йўлини давом эттирди. Маданий ҳаётимизда яратилаётган кўплаб спектакллар муҳокамасига раҳбарлик қилиб, ҳар доим ўзининг муҳим ва ёрқин фикрларини билдиради, ёш мутахассислар ва талабаларга ўргатишдан толмайди.

Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Муҳаббат Тўлахўжаева бу йил 74 ёшни нишонламоқда.

Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ

Таъзиянома

Ижод оламида яна бир оғир жудолик. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, серқирра ижодкор Абдуқаҳҳор Иброҳимов оламдан ўтди.

Ўзбек миллий драма театри раҳбарияти ва жамоаси унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

МАДАНИЯТ
ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИС: «Dildosh media» МЧЖ, ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

Бош муҳаррир Дилбаҳор Худойбердиева

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 8571 Буюртма - Г - 627
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмахонага топшириш вақти - 24.30
Топширилди - 23.30
1 2 3 4 5 6

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди.
Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
«Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.